





«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўзбекистон миллий
телерадиокомпанияси раиси в.б.
 А. Хаджаев
« 2 » апрель 2018 йил

№ 01/1-01-26-21
02.04.2018 й.



«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитаси раиси
 Б. Бегалов
« 2 » апрель 2018 йил

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистика фаолиятини ташкил этиш самарадорлигини ошириш, статистик ахборотлар сифати ва ошкоралигини таъминлаш ҳамда уни тарқатиш тизимини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишларни 2018 йил давомида ёритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ҳамкорлигидаги
ҚЎШМА ИШ РЕЖАСИ

№	Телерадио каналлар ва телерадио дастурлар номи	Эфирга узатиладиган мавзулар ва амалга ошириладиган ишларнинг қисқача мазмуни	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
				Ўзбекистон миллий телерадио компаниясидан	Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасидан
1.	«Ахборот 24», «Янгиликлар 24», «Новости 24», «Давр», «Вакт», «Диёр 24»	Информацион телерадиодастурларда. Давлат статистика органлари фаолиятининг устувор йўналишлари, соҳадаги қонун ва қонун ости ҳужжатларининг шаффофлигини таъминлаш шунингдек, қўмита томонидан амалга оширилаётган ишларга бағишланган янгиликлар ҳамда телерадиолавҳалар ва репортажлар орқали соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда ёритиб бориш.	2018 йил давомида	Н. Тўлаганов, М. Сафаров, Б. Тўйчиев, худудий телерадио компания директорлари	У. Абдурасулов қўмита тармоқ бошқарма ва бўлим бошлиқлари
2.	«O'zbekiston», «O'zbekiston 24», «Yoshlar», «Toshkent», «Mahalla»	Давлат статистика қўмитаси мутахассисларини эксперт сифатида телерадиоканалларнинг статистик ахборот фаолиятига бевосита ёки билвосита алоқадор бўлган телевизион дастурларига, давра суҳбатлари, ток-шоуларга, интервьюларга жалб этиш.	2018 йил давомида	А. Халимов, Н. Тўлаганов, М. Сафаров, Б. Тўйчиев, А. Шайимов	У. Абдурасулов қўмита тармоқ бошқарма ва бўлим бошлиқлари

3.	«O‘zbekiston», «O‘zbekiston 24», «Yoshlar», «Toshkent»	Республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ақс эттирувчи ҳамда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларга оид долзарб бўлган таҳлилий маълумотларни эфирга узатиш, Давлат статистика қўмитаси томонидан таъминлаб бориладиган соҳаларга оид долзарб бўлган таҳлилий маълумотларни замонавий усуллардан, жумладан инфографика, диаграмма, визуал графиклар ва бошқа усуллардан фойдаланган ҳолда эфирга узатиб бориш.	2018 йил давомида	А. Халимов, Н. Тўлаганов, М. Сафаров, Б. Тўйчиев	У. Абдурашулов қўмита тармоқ бошқарма ва бўлим бошлиқлари
4.	«O‘zbekiston», «O‘zbekiston 24», «Yoshlar», «Toshkent», «Mahalla»	Компаниянинг телерадиодастурлар тайёрлаш бўйича сўровига кўра зарур таҳлилий маълумотлар жумладан, долзарб масалаларни қамраб олиш ва кенг жамоатчиликни қизиқтираётган мавзуларга оид масалалар юзасидан таъминлаб бориш.	2018 йил давомида	А. Халимов, Н. Тўлаганов, М. Сафаров, Б. Тўйчиев, А. Шайимов	У. Абдурашулов қўмита тармоқ бошқарма ва бўлим бошлиқлари
5.	Худудий телерадио компаниялар	Худудий телерадиокомпаниялар билан худудий статистика идоралари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида 2018 йил учун қўшма иш режаларини ишлаб чиқиш ҳамда худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ақс эттирувчи, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларга оид долзарб бўлган таҳлилий телерадиодастурлар тайёрлаб эфирга узатиш.	2018 йил давомида	худудий телерадио компаниялар директорлари	У. Абдурашулов қўмита тармоқ бошқарма ва худудий бошқарма бошлиқлари

Эслатма:

Изоҳ: 1. Ижодий ишлаб чиқариш жараёнидан келиб чиқиб, мазкур режага Ўзбекистон МТРК ва/ёки Давлат статистика қўмитаси томонидан тегишли ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

2. Ишлаб чиқариш заруратидан келиб чиқиб, мазкур режада кўрсатилмаган бошқа телерадиомаҳсулотлар ҳам тайёрланиши мумкин.

3. Давлат статистика қўмитаси томонидан эфирга узатиш учун тақдим этиладиган шошилинч ва таҳлилий маълумотлар ҳамда пресс-релиз ва бошқа долзарб бўлган мавзуларга оид маълумотлар хусусида Компанияни камида 10 кун аввал хабардор қилиб боради.

4. Компания Давлат статистика қўмитаси билан эфирга узатиладиган маълумотлар, уларнинг шакли, ҳажми, вақти ва кўриниши юзасидан ҳамкорликда иш олиб боради.

5. Эфирга узатиш вақти ва эфирга узатиладиган телекўрсатувлар Компания томонидан белгиланади.